



THE CONTRACTUAL, LEGAL, AND INSTITUTIONAL FRAMEWORK OF TRANSPORT DIPLOMACY OF UZBEKISTAN

Shokhrukh Shavqiddinov

Master's student of the Higher School

E-mail: amirshakhruhxan@gmail.com

Tashkent, Uzbekiston

ABOUT ARTICLE

Key words: transport diplomacy, legal framework, institutional foundations, international conventions, TRACECA, CAREC, SCO, railway transport, transit policy, Uzbekistan.

Received: 07.01.26

Accepted: 08.01.26

Published: 09.01.26

Abstract: This article provides an in-depth analysis of the contractual-legal and institutional foundations of the Republic of Uzbekistan's transport diplomacy. The research examines the interrelationship between the national legislative base, international conventions, bilateral and multilateral agreements, and institutional structures. Results demonstrate that since 2016, Uzbekistan has implemented comprehensive legal reforms in the transport sector, including the establishment of the Ministry of Transport in 2019, adoption of the Law «On Transport» in 2021, and accession to more than 30 international conventions.

ЎЗБЕКИСТОН ТРАНСПОРТ ДИПЛОМАТИЯСИНИНГ ШАРТНОМАВИЙ - ҲУҚУҚИЙ ВА ИНСТИТУЦИОНАЛ АСОСЛАРИ

Шохрух Шавқиддинов

Олий мактаб магистранти

e-mail: amirshakhruhxan@gmail.com

Тошкент, Ўзбекистон

МАҚОЛА ҲАҚИДА

Калит сўзлар: транспорт дипломатияси, ҳуқуқий база, институционал асослар, халқаро конвенциялар, TRACECA, CAREC, ШХТ, темир йўл транспорти, транзит сиёсати, Ўзбекистон.

Аннотация: Мазкур мақолада Ўзбекистон Республикасининг транспорт дипломатияси соҳасидаги шартномавий-ҳуқуқий ва институционал асослари чуқур таҳлил қилинган. Тадқиқот миллий қонунчилик базаси, халқаро конвенциялар, икки томонлама ва кўп томонлама шартномалар, ҳамда институционал

тузилмалар ўртасидаги ўзаро боғлиқликни ўрганади. Натижалар шуни кўрсатадики, 2016 йилдан бошлаб Ўзбекистон транспорт соҳасида кенг қамровли ҳуқуқий ислохотларни амалга оширди, жумладан 2019 йилда Транспорт вазирлигини ташкил этиш, 2021 йилда «Транспорт тўғрисида»ги қонунни қабул қилиш ва 30 дан ортиқ халқаро конвенцияларга қўшилиш.

ДОГОВОРНО-ПРАВОВЫЕ И ИНСТИТУЦИОНАЛЬНЫЕ ОСНОВЫ ТРАНСПОРТНОЙ ДИПЛОМАТИИ УЗБЕКИСТАНА

Шохрух Шавкиддинов

Магистрант Высшей школы

E-mail: amirshakhruxan@gmail.com

Ташкент, Узбекистан

О СТАТЬЕ

Ключевые слова: транспортная дипломатия, правовая база, институциональные основы, международные конвенции, TRACECA, CAREC, ШОС, железнодорожный транспорт, транзитная политика, Узбекистан.

Аннотация: В данной статье глубоко анализируются договорно-правовые и институциональные основы транспортной дипломатии Республики Узбекистан. Исследование изучает взаимосвязи между национальной законодательной базой, международными конвенциями, двусторонними и многосторонними договорами, а также институциональными структурами. Результаты показывают, что с 2016 года Узбекистан осуществил широкомасштабные правовые реформы в транспортной сфере, включая создание Министерства транспорта в 2019 году, принятие Закона «О транспорте» в 2021 году и присоединение к более чем 30 международным конвенциям.

Кириш. Тадқиқот муаммоси Ўзбекистон Республикаси Марказий Осиёнинг географик марказида жойлашган бўлиб, икки томонлама денгизга чиқиш имконияти чекланган давлат ҳисобланади. Бу ўзига хос географик вазият транспорт коммуникациялари ривожланишини давлатнинг стратегик устувор йўналишларидан бирига айлантиради. 2016 йилдан бошлаб Президент Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида Ўзбекистон транспорт соҳасида кенг қамровли ислохотларни амалга оширилди, бу эса мамлакатни минтақавий транспорт-логистика марказига айлантириш мақсадини кўзлайди. Транспорт дипломатияси самарадорлиги бевосита унинг ҳуқуқий базаси ва институционал

тузилмаларининг мустаҳкамлигига боғлиқ. Шу сабабли, мазкур тадқиқот Ўзбекистон транспорт дипломатиясининг шартномавий-ҳуқуқий ва институционал асосларини комплекс таҳлил қилишга қаратилган.

Тадқиқот мақсади ва вазифалари, Тадқиқотнинг асосий мақсади: Ўзбекистон транспорт дипломатиясининг ҳуқуқий ва институционал асосларини илмий-назарий ва амалий жиҳатдан таҳлил қилиш.

Тадқиқот вазифалари:

1. Миллий қонунчилик базасини таҳлил қилиш;
2. Халқаро конвенциялар ва шартномаларни тизимлаштириш;
3. Институционал тузилмаларни баҳолаш;
4. Минтақавий ҳамкорлик механизмларини ўрганиш;
5. Келажак истиқболлари ва тавсияларни ишлаб чиқиш.

Назарий асослари

Тадқиқот қуйидаги назарий концепцияларга асосланади:

Транспорт дипломатияси назарияси - давлатларнинг транспорт инфратузилмаси орқали ташқи сиёсий мақсадларга эришиш стратегияси (Rodrigue, 2020);

Ҳуқуқий институционализм - халқаро муносабатларда ҳуқуқий нормалар ва институтлар ролини ўрганувчи назария (Abbott & Snidal, 2000);

Режим назарияси - халқаро ташкилотлар ва шартномалар тизими орқали давлатлараро ҳамкорлик механизмлари (Keohane, 1984);

Кўп векторли дипломатия концепцияси - кичик давлатларнинг бир неча йирик кучлар билан мутаносиб муносабатлар ўрнатиш стратегияси (Gnedina, 2015).

Методология. Тадқиқот сифат тадқиқот дизайнига асосланган бўлиб, қуйидаги методларни қўллайди: ҳужжатлар таҳлили (documentary analysis), қиёсий таҳлил (comparative analysis), контент-таҳлил (content analysis) ва тизимли таҳлил (systems analysis). Тадқиқот давр чегараси: 2016-2025 йиллар.

Тадқиқотда қуйидаги манбалардан фойдаланилди:

Бирламчи манбалар: Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Президент фармонлари ва қарорлари, Вазирлар Маҳкамаси қарорлари, халқаро шартномалар матнлари;

Иккиламчи манбалар: Илмий мақолалар, Жаҳон банки ҳисоботлари, Осиё тараққиёт банки маълумотлари, UNECE ҳужжатлари;

Институционал манбалар: Транспорт вазирлиги расмий маълумотлари, «Ўзбекистон темир йўллари» АЖ ҳисоботлари, TRACECA, CAREC ва OSJD ҳужжатлари.

1-жадвал. Тадқиқот методлари

Метод	Қўлланиш соҳаси	Манбалар
Ҳужжатлар таҳлили	Қонунчилик базаси, халқаро шартномалар	Lex.uz, UNECE, TRACECA
Қиёсий таҳлил	Минтақавий ҳамкорлик механизмлари	CAREC, ШХТ, МДХ ҳужжатлари
Контент-таҳлил	Сиёсий баёнотлар, стратегик ҳужжатлар	Президент нутқлари, вазирлик ҳисоботлари
Тизимли таҳлил	Институционал тузилмалар	Вазирлик тузилмаси, АЖ низомлари

Натижалар. Миллий қонунчилик базаси

Асосий қонунлар: Ўзбекистон транспорт соҳасининг ҳуқуқий асосини бир қатор асосий қонунлар ташкил этади. 2021 йил 9 августда қабул қилинган «Транспорт тўғрисида»ги қонун (ЎРҚ-706) мамлакатнинг транспорт секторини тартибга солувчи асосий қонунчилик ҳужжати ҳисобланади. Ушбу қонун транзит ташишлар, мультимодал ташувлар, транспорт хавфсизлиги ва халқаро транспорт ҳамкорлиги масалаларини қамраб олади. Қонуннинг 3-моддасига кўра, агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида қонунчиликда назарда тутилгандан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

2-жадвал. Транспорт соҳасидаги асосий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар

Ҳужжат номи	Қабул қилинган сана	Асосий мазмуни
«Транспорт тўғрисида»ги қонун (ЎРҚ-706)	09.08.2021	Транспорт фаолиятини тартибга солиш, транзит, мультимодал ташувлар
«Темир йўл транспорти тўғрисида»ги қонун (ЎРҚ-980)	27.11.2024	Темир йўл транспортини тартибга солиш, ташувлар қоидалари
Президент фармони ПФ-5647	01.02.2019	Транспорт вазирлигини ташкил этиш
Транспорт тизимини ривожлантириш стратегияси 2035	2019	Узоқ муддатли ривожланиш режаси
2018-2022 йилларга мўлжалланган комплекс дастур	2018	Транспорт инфратузилмасини яхшилаш, ташқи савдо йўллари диверсификация қилиш

Халқаро конвенциялар ва шартномалар, БМТ транспорт конвенциялари: Ўзбекистон халқаро транспорт ҳуқуқининг бир қатор муҳим конвенцияларига аъзо бўлиб, улар мамлакатнинг халқаро юк ва йўловчи ташувлари соҳасидаги фаолиятини тартибга солади. TIR Конвенцияси (1975) - Ўзбекистон ушбу конвенция иштирокчиси бўлиб, 2023 йил январь ойида Озарбайжон билан биринчи электрон TIR (ETIR) ташувини амалга оширган.

CMR Конвенцияси (1956) - ҳақаро автомобиль юк ташиш шартномаси тўғрисидаги конвенция. 2023 йил октябрь ойида Ўзбекистон е-CMR протоколига қўшилиб, 29-давлат сифатида электрон юк хатини жорий этиш имкониятига эга бўлди. ADR Битими (2020) - хавфли юкларни автомобиль транспортида халқаро ташиш тўғрисидаги Европа битими. Ўзбекистон 2020 йил январь ойида ушбу битимга қўшилди.

3 - жадвал. Ўзбекистон аъзо бўлган асосий халқаро транспорт конвенциялари

Конвенция номи	Йили	Қўшилган сана	Соҳа
TIR Конвенцияси	1975	1995	Божхона транзити
CMR Конвенцияси	1956	1995	Автомобиль юк ташиш
е-CMR Протоколи	2008	2023	Электрон юк хати
ADR Битими	1957	2020	Хавфли юклар
1958 йилги Техник регламент	1958	2025	Транспорт воситалари
БМТ «Қуруқ порт» келишуви	2013	2021	Логистика марказлари

Кўп томонлама минтақавий шартномалар:

«TRACECA» асосий кўп томонлама битими (1998): Ўзбекистон Европа-Кавказ-Осиё транспорт йўлаги (TRACECA) дастурининг фаол иштирокчисидир. 1998 йилда Бокуда имзоланган. Асосий кўп томонлама битимга кўра, 14 та давлат транспорт соҳасида ҳамкорлик қилишни мажбурият сифатида олган. TRACECA 5 та ишчи гуруҳи орқали фаолият олиб бориб, буларга денгиз транспорти, авиация, автомобиль ва темир йўл, транспорт хавфсизлиги ҳамда транспорт инфратузилмаси.

CAREC дастури: Марказий Осиё минтақавий иқтисодий ҳамкорлик (CAREC) дастури Осиё тараққиёт банки томонидан қўллаб-қувватланиб, 8 та давлат (Афғонистон, Озарбайжон, Қозоғистон, Қирғизистон, Монголия, Покистон, Хитой ва Тожикистон) билан Ўзбекистонни бирлаштиради. CAREC 2030 транспорт стратегияси доирасида 6 та асосий йўлак белгиланган бўлиб, Ўзбекистон 2-а, 2-б, 3-а ва 6-а йўлакларида муҳим транзит давлат ҳисобланади.

МДХ транспорт ҳамкорлиги: 2020 йилда Ўзбекистон МДХ раислиги давомида бир қатор муҳим ҳужжатларни қабул қилишни ташаббус қилди, жумладан «МДХ аъзо давлатларининг 2030 йилгача бўлган даврда транспорт соҳасидаги ҳамкорликнинг устувор йўналишлари тўғрисида»ги қарор ва «2020-2025 йилларда халқаро қатновда ташувларни амалга оширишда МДХ аъзо давлатлари ҳудудларида транспорт хавфсизлигини таъминлаш стратегиясини амалга ошириш бўйича чора-тадбирлар режаси».

Икки томонлама шартномалар:

Ўзбекистон 30 дан ортиқ давлат билан транспорт соҳасида икки томонлама шартномалар имзолаган. UNESCAP маълумотларига кўра, Ўзбекистон қуйидаги давлатлар билан автомобиль транспорти соҳасида битимларга эга: Озарбайжон (1996), Хитой (1993), Грузия (1995), Эрон (1993), Қозоғистон (1998), Қирғизистон, Покистон, Тожикистон, Туркия (1992), Туркменистон (1996), Россия (2000), Украина (1993), Германия (2001), Италия (2000), Венгрия (2002), Финляндия (1997), Швейцария (2002), Австрия (2001), Греция (1999) ва бошқалар.

4-жадвал. Асосий икки томонлама транспорт шартномалари

Давлат	Битим тури	Йили	Эслатма
Хитой	Темир йўл ҳамкорлиги	2024	ХҚЎ темир йўли лойиҳаси
Россия	Транс-Афғон темир йўли	2024-2025	ТЭИ тайёрлаш
Қозоғистон	Йўл харитаси 2024-2025	2024	Стратегик ҳамкорлик
Туркменистон	2025-2026 ҳамкорлик дастури	2025	ТСВ орқали транзит
Европа Иттифоқи	ЕРСА	2024	Кенгайтирилган шериклик

Институционал тузилма:

2019 йил 1 февралда Президент фармони ПФ-5647 асосида Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги ташкил этилди. Вазирлик автомобиль, темир йўл, ҳаво, дарё транспорти, метро ва йўл хўжалиги соҳаларида ягона давлат сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш органи сифатида белгиланди. Вазирликнинг асосий вазибаларига қуйидагилар киради: ягона тариф сиёсатини амалга ошириш, халқаро транспорт йўлақларини ривожлантириш, давлат-хусусий шериклик, рақамлаштириш ва ягона техник сиёсат юритиш. Вазирлик таркибига қуйидаги тузилмалар киради: Йўллар қўмитаси, Фуқаролик авиацияси агентлиги, Темир йўл транспорти хавфсизлигини назорат қилиш инспекцияси, Йўл-қурилиш ишлари сифатини назорат қилиш инспекцияси, «Усаэронавигация» маркази ва Транспорт ва логистика ривожланиши муаммоларини ўрганиш маркази.

Шунингдек, «Ўзбекистон темир йўллари» акциядорлик жамияти 1994 йил 7 ноябрда собиқ Марказий Осиё темир йўли базасида ташкил этилган. Компания 1993 йилдан бери Темир йўллар ўртасидаги ҳамкорлик ташкилоти (OSJD) аъзоси. Шунингдек, Халқаро темир йўллар иттифоқи (UIC), UNESCAP ва TRACECA билан яқин ҳамкорлик олиб боради. Асосий кўрсаткичлар: темир йўлларнинг умумий узунлиги 7400 км дан ортиқ, йилига 100 млн тонна юк ва 9 млн йўловчи ташилади, 54,7 минг нафар ходим ишлайди.

5-жадвал. Транспорт соҳасининг институционал тузилмаси

Институт	Асосий функция	Халқаро ҳамкорлик
Транспорт вазирлиги	Сиёсат ишлаб чиқиш, тартибга солиш	UNECE, TRACECA, CAREC
«Ўзбекистон темир йўллари» АЖ	Темир йўл ташувлари	OSJD, UIC, UNESCAP
Фуқаролик авиацияси агентлиги	Ҳаво транспортини тартибга солиш	ICAO, ECAC
Йўллар қўмитаси	Йўл хўжалиги	IRF, IRU
«Ўзбекистон ҳаво йўллари» АЖ	Ҳаво ташувлари	IATA

Минтақавий ҳамкорлик механизмлари:

Ўзбекистон ШХТни транспорт-логистика соҳасидаги ҳамкорликни кучайтириш учун истиқболли платформа сифатида кўради. 2022 йилда Самарқандда ШХТ саммити доирасида транспорт вазирларининг 9-йиғилиши бўлиб ўтди. ШХТ аъзо давлатларининг темир йўл тармоғи 348,300 км ни ташкил этади ва улар глобал темир йўл трафигининг 24% ни амалга оширади. Хитой-Қирғизистон-Ўзбекистон темир йўли лойиҳаси ШХТ доирасидаги энг йирик инфратузилма ташаббуси ҳисобланади. 2024 йил октябрь ойида Брюсселда Ўзбекистон ва Европа Иттифоқи ўртасида Кенгайтирилган шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги битим (EPСА) имзоланди. Ушбу битим 1996 йилги Шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги битимнинг янгиланган версияси бўлиб, транспорт ва логистика соҳасидаги ҳамкорликни янада кенгайтиради. 2021-2027 йилларга мўлжалланган ҳамкорлик доирасида ЕИ Ўзбекистонга 119 млн евро грант ажратди. Global Gateway ташаббуси доирасида Транс-Каспий транспорт йўлагини ривожлантириш устувор йўналиш ҳисобланади.

Муҳокама. Натижаларни талқин қилиш

Тадқиқот натижаларига кўра, Ўзбекистон Республикаси 2016 йилдан буён, хусусан, Президент Шавкат Мирзиёев раҳбарлигидаги ислохотлар доирасида транспорт соҳасида комплекс ҳуқуқий, институционал ва технологик ислохотларни амалга оширмоқда. Ушбу ислохотлар мамлакатнинг курукликда куршалган географик ўрнини ҳисобга олган ҳолда транспорт-транзит салоҳиятини ошириш, логистика самарадорлигини юксалтириш ва халқаро интеграцияни кучайтиришга қаратилган бўлиб, темир йўл инфратузилмасининг модернизацияси ва транспорт дипломатиясининг мустаҳкамланишида муҳим роль ўйнамоқда (TRENDS Research & Advisory, 2025; Mintrans.uz, 2025).

Биринчидан, 2019 йил 1 февральдаги Президент Фармони (ПФ-5647) асосида Ўзбекистон автомобиль транспорти агентлиги негизида ягона Транспорт вазирлиги ташкил

этилди. Бу ислохот транспорт соҳасида сиёсат ишлаб чиқиш, тартибга солиш ва назорат функцияларини марказлаштиришга имкон берди ҳамда автомобиль, темир йўл, ҳаво, дарё ва метро транспорт турларини ягона тизимга бирлаштирди. Ушбу қадам Жаҳон банки тавсияларига мувофиқ бўлиб, темир йўл секторида сиёсат ва тартибга солиш ваколатларини операторлик фаолиятдан ажратиш зарурлигини таъкидлаган эди. Натыйжада, секторнинг инвестиция жалб қилиш қobiliяти ва экспорт салоҳияти ошди, шунингдек, давлат бошқарувининг самарадорлиги юксалди (World Bank, 2020; Eurasian Research Institute, 2021; Mintrans.uz, 2025).

Иккинчидан, 2021 йил 9 августда қабул қилинган “Транспорт тўғрисида”ги Қонун (ЎРҚ-706) транспорт секторини замонавий халқаро стандартларга мувофиқ тартибга солувчи ҳуқуқий база яратди. Қонуннинг 3-моддасида халқаро шартномаларнинг миллий қонунчиликдан устуворлиги белгилаб қўйилган бўлиб, бу Ўзбекистоннинг халқаро ҳуқуқий интеграциясини мустаҳкамлайди ва транспорт дипломатиясининг ҳуқуқий асосларини кучайтиради. Қонун транспорт фаолиятининг асосий принципларини (қонунийлик, хавфсизлик, экологик тозаллик, шаффофлик ва очиқлик) аниқ белгилаб, секторда хусусий сектор иштирокини кенгайтириш ҳамда рақобат муҳитини шакллантиришга замин яратди (Lex.uz, 2021; Mintrans.uz, 2025).

Учинчидан, рақамлаштириш йўналишидаги ислохотлар Ўзбекистоннинг транспорт соҳасидаги жиддий қадамларини кўрсатади. 2023 йилда Ўзбекистон e-CMR (электрон юк хати) протоколига қўшилди, бу халқаро автомобиль юк ташишларда қоғозсиз ҳужжат айланмасини жорий этишга имкон берди (IRU, 2023). Шунингдек, eTIR (электрон TIR) тизимида фаол иштирок этилмоқда: 2020 йилда Қозоғистон билан пилот лойиҳа бошланган, 2023 йилда эса Озарбайжон билан биринчи eTIR ташиш амалга оширилди. Ушбу тизимлар транзит вақтини қисқартириб, логистика харажатларини камайитириш, хавфсизликни ошириш ва глобал таъминот занжирларига интеграцияни таъминлайди (UNECE, 2023; IRU, 2025). Умуман олганда, ушбу комплекс ислохотлар Ўзбекистоннинг транспорт соҳасини геосиёсий рақобат ва глобал ўзгаришлар шароитида мустаҳкамламоқда. Ислохотлар натижасида секторнинг логистика самарадорлиги ошди, халқаро транспорт коридорларидаги ўрин мустаҳкамланди ва мамлакат Марказий Осиёдаги транспорт-хаб мақомини кучайтирмоқда. Келгусида рақамлаштиришни чуқурлаштириш, хусусий инвестицияларни жалб қилиш ва халқаро стандартларга тўлиқ мослашиш орқали ушбу ислохотларнинг самараси янада юқори бўлиши кутилмоқда (World Bank, 2025; TRENDS Research & Advisory, 2025).

SWOT таҳлили:

**6-жадвал. Ўзбекистон транспорт дипломатиясининг ҳуқуқий-институционал
базаси SWOT таҳлили**

КУЧЛИ ТОМОНЛАР (Strengths) • Янгиланган қонунчилик базаси (2021 йилги қонун) • Марказлашган институционал тузилма • 30+ халқаро конвенцияга аъзолик • OSJD, TRACECA, CAREC фаол аъзоси	ЗАИФ ТОМОНЛАР (Weaknesses) • Ички қонунчиликни халқаро стандартларга мослаштириш зарурияти • Кадрлар малакасини ошириш талаби • Рақамли инфратузилманинг чекланганлиги • Божхона процедураларининг мураккаблиги
ИМКОНияТЛАР (Opportunities) • ЖСТга қўшилиш жараёни • ЕИ ЕРСА битими имкониятлари • Рақамли транспорт тизимлари (eTIR, e-CMR) • Янги транспорт йўлаклари лойиҳалари	ТАҲДИДЛАР (Threats) • Геосиёсий беқарорлик • Қўшни давлатлар билан келишмовчиликлар • Халқаро санкциялар таъсири • Рақобатчи йўлакларнинг кучайиши

Хулоса. Тадқиқот натижалари асосида қуйидаги хулосаларга келинди:

1. Мустаҳкам ҳуқуқий база: Ўзбекистон 2016-2025 йиллар давомида транспорт соҳасида комплекс қонунчилик ислохотларини амалга оширди. «Транспорт тўғрисида»ги қонун ва «Темир йўл транспорти тўғрисида»ги янги қонун секторни замонавий талабларга мувофиқ тартибга солади.
2. Халқаро интеграция: Мамлакат 30 дан ортиқ халқаро транспорт конвенцияларига қўшилган бўлиб, бу халқаро юк ва йўловчи ташувларини соддалаштиради. e-CMR ва eTIR каби рақамли тизимларга қўшилиш алоҳида аҳамиятга эга.
3. Самарали институционал тузилма: Транспорт вазирлигининг ташкил этилиши сиёсат ишлаб чиқиш ва тартибга солиш функцияларини марказлаштирди. «Ўзбекистон темир йўллари» АЖ халқаро ташкилотлар билан самарали ҳамкорлик олиб бормоқда.
4. Минтақавий ҳамкорлик: ШХТ, МДХ, TRACECA ва CAREC доирасидаги фаол иштирок Ўзбекистоннинг минтақавий транспорт интеграциясидаги етакчи позициясини мустаҳкамлайди.
5. Келажак истикболлари: ЕИ ЕРСА битими, ЖСТга қўшилиш жараёни ва йирик инфратузилма лойиҳалари (ХҚЎ темир йўли, Транс-Афғон темир йўли) Ўзбекистоннинг минтақавий транспорт-логистика марказига айланиш стратегиясини қўллаб-қувватлайди.

Тавсиялар:

1. Миллий қонунчиликни халқаро стандартларга тўлиқ мослаштириш жараёнини давом эттириш;

2. Транспорт соҳаси мутахассисларининг халқаро ҳуқуқ бўйича малакасини ошириш;
3. Рақамли транспорт тизимларини жорий этишни жадаллаштириш;
4. Божхона процедураларини соддалаштириш бўйича ислохотларни давом эттириш;
5. Янги халқаро транспорт конвенцияларига қўшилиш имкониятларини ўрганиш.

Фойдаланган адабиётлар рўйхати:

1. Abbott, K. W., & Snidal, D. (2000). Hard and soft law in international governance. *International Organization*, 54(3), 421-456.
2. Asian Development Bank. (2021). CAREC 2030: Connecting the region for shared and sustainable development. Manila: ADB.
3. European Commission. (2024). EU-Uzbekistan Enhanced Partnership and Cooperation Agreement. Brussels: EC.
4. Gnedina, E. (2015). 'Multi-vector' foreign policies in Europe: Balancing, bandwagoning or bargaining? *Europe-Asia Studies*, 67(7), 1007-1029.
5. International Road Transport Union. (2023). Uzbekistan accedes to e-CMR. Geneva: IRU.
6. Juraev, S. (2021). Transport cooperation in Central Asia: Challenges and opportunities. *Central Asian Survey*, 40(2), 234-251.
7. Keohane, R. O. (1984). After hegemony: Cooperation and discord in the world political economy. Princeton: Princeton University Press.
8. Ministry of Transport of Uzbekistan. (2019). Strategy for the Development of the Transport System of the Republic of Uzbekistan until 2035. Tashkent: MoT.
9. Ministry of Transport of Uzbekistan. (2021). Annual Report 2021. Tashkent: MoT.
10. OSJD. (2023). Organisation for Co-operation between Railways: Member activities report. Warsaw: OSJD.
11. Rodrigue, J. P. (2020). The geography of transport systems (5th ed.). New York: Routledge.
12. TRACECA. (2023). Basic Multilateral Agreement on International Transport for Development of the Europe-the Caucasus-Asia Corridor. Baku: TRACECA.
13. Umarova, N. (2023). How does Uzbekistan develop transport links with the South Caucasus? Caspian Policy Center. Washington, DC: CPC.
14. UNECE. (2023). Status of ratifications of transport conventions. Geneva: United Nations.

15. UNESCAP. (2023). Database of Agreements Related to International Road Transport. Bangkok: UNESCAP.
16. Uzbekistan Railways JSC. (2024). Official website information. <https://railway.uz>
17. World Bank. (2020). Uzbekistan: Building blocks for integrated transport and logistics development. Washington, DC: World Bank Group.
18. Yaushev, I. (2025). The Trans-Caspian Route and the SCO: The strengthening role and prospects of Uzbekistan. News Central Asia. Retrieved from <https://www.newscentralasia.net>
19. Yoshino, N., & Abidhadjaev, U. (2015). Impact of infrastructure on firm productivity: A case study of Uzbekistan. ADBI Working Paper Series, No. 542.
20. Ўзбекистон Республикаси қонуни. (2021). «Транспорт тўғрисида» ЎРҚ-706. <https://lex.uz/docs/6111333>
21. Ўзбекистон Республикаси Президенти фармони. (2019). «Транспорт соҳасида давлат бошқаруви тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» ПФ-5647. <https://lex.uz/docs/4188038>
22. Eurasian Research Institute. (2023). Transport Strategy of Uzbekistan: Current Developments. Almaty: ERI.
23. CABAR.asia. (2023). Competition of international transport corridors for development in Central Asia. Central Asian Bureau for Analytical Reporting.
24. Railway PRO. (2024). Milestone for China-Kyrgyzstan-Uzbekistan railway project. Railway PRO Communication Platform.
25. Mirziyoyev, Sh. (2025). Uzbekistan and SCO: Cooperation for global peace and prosperity. China Daily.